

ҶАҲОНГИР  
ПИРМУҲАМЕДОВ

# Одам неча марта туғиладу



ШАҲОНГИР  
ПИРМУҲАМЕДОВ

# Одам неча марта туғилади

Кўнгил битиклари



ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2016

УЎК 821.512.133-32

КБК 84(5У)7

II 46

Жаҳонгир Пирмуҳамедов Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси. Мустақилликдан сўнг турли йилларда унинг «Алломалар ҳақида ҳангомалар», «Туқилмаган ҳикоялар», «Қалтис ҳазил» ва «Ҳаётий ҳикоялар» номли китоблари чоп этилган.

ISBN 978-9943-28-698-6

© Ж. Пирмуҳамедов, 2016

© «O'zbekiston», 2016



## АДАБИЁТ ВА САНЪАТ ҲАҚИДА

### Мағзини чакиб...

Шеърни ўқишда ўқини бор: орка-ўнгига қарамай шариллатиб ўкиб кетавериш ёки ҳар бир сатрни диққат билан, мағзини чакиб, моҳиятини тушуниб ўқини. Маъноси тушунилган шеър юракни ҳаяжонга солиб, вужудингизни титратиб юборади. Ана шу лаҳзада бсихтиёр «Воҳ!» деб юборасизу, муҳтарам шоирга тасаннолар айтасиз.

### Китоб – муъжизалар олами

Китоб дўконига кириб айланиш ёшлигимдан қолган одат. Тўғриси, бу ўзимга ҳам ёқади. Янги чиққан китобларни кураман. Уларнинг; айниқса, хиди жуда бошқача бўлади-да. Баъзан ўзимга ўхшаган китобсэварлар учраб қолади. Ҳа, афсуски, баъзан... Ўтибор қилган бўлсангиз, кейинги вақтларда китобхонлар сони биров камайгандек. Ана шундай пайтларда ёшлик чоғларимизда тан-

ча атрофига тизилишиб, кунни тунга улаб «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Гуруғли», «Равшанхон», «Маликаи айёр» каби достонларни, «Минг бир кеча», «Қирқ оғайни ботирлар», «Уч оғайни ботирлар» сингари эртақларни бамисоли қахрамонлари билан бирга яшаб, ҳаяжон-ла, мазза қилиб ўқиган дамларимиз ёдга тушади.

Энди эса, аксари одамлар бошини буткул айлантириб қўйган хона бурчагидаги «ссхрли кути» — компьютер ва замонавий қўл телефонларига бутун вужуди билан боғланиб, қўлига китоб ушламай қўйди. Туғри, техника ва технология асри. Аммо «КИТОБ» деган муъжизавий оламдан бсбаҳра яшаб ўтиш... Йўқ! Буни тасаввурга сиғдириб бўлмайди. Ана шундай пайтларда бсхуда ва бссамар ўтиб кетаётган умрга ачинаман.

Миллий истиклолимизни, тарихимизни улуғловчи китоблар ва уни ўқийдиган китобхонлар кўпайишига ишонаман...

## Устоз адиблар

Тарихий романларни ўқиганимда ўзбек халқининг буюк ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг «Мозийга қайтиб иш кўриш, хайрли дейдилар»

деган нурмаъно гапи ёдимга тушаверади. Тарихни жонлантирини, ундаги кечмишларни китобхонга тўлалигича етказини унча-мунча ёзувчининг қўлидан келмайди. Мана, биргина «Ўткан кунлар» романини олиб кўрайлик. Ундаги турли хил образлар, воқеалар худди кўз ўнгингизда содир бўлаётганга ўхшайди. Шу боис қаҳрамонлар билан бирга яшаётгандек бўласиз. Кумуш тақдирига ачиниб йиғласангиз, Зайнабга ҳам раҳмингиз, ҳам қаҳрингиз келади. Отабек жасоратига тасаннолар айтсангиз, Юсуфбек ҳожининг дополигига таъзим қиласиз... Бу ёзувчининг улкан маҳоратидан дарак беради. Шу сабабли ҳам тарихий асарлар битган ёзувчиларни бетакрор мусиқа яратган бастакорларга менгзаса бўлади. Авваламбор, сюжетни, қолаверса, бир неча асрлар мукаддам бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни, ўша давр одамларининг урф-одатларини, бир-бирига бўлган муносабатини, характерини, сузлашиш услубини худди ўзи улар орасида бўлиб, гапларини эшитиб, ўша замонда яшагандай ишонарли ва ҳаққоний тасвирлаб беришнинг ўзи мўъжиза. Бундай мураккаб, ўта мушкул ижод маҳсулини яратувчи ижодкорларни устоз адиблар деса бўлади.

## Шифобахш игна

Газета ва журналларда эълон қилинадиган фельетон ҳаётда учрайдиган нуқсонларни, ўз вазифасига лоқайд, дангаса, ишёқмас шахсларни, ҳаттоки фақат ўз манфаатини кўзлайдиган катта лавозимдаги раҳбарларни ҳам аяб ўтирмай, додиди берувчи жанр ҳисобланади. Фельетон матбуотда чоп этилгач, танқидга учраган шахснинг ишимаъмуриятда муҳокама қилинади ва тегишли чоралар кўрилади. Баъзан бу ишдан бўшатиш даражасигача етиб боради. Хуллас, ҳаётда учрайдиган қусурларни йўқотишда фельетон муҳим ва асосий роль ўйнайди. Бу жабҳада калами ўткир журналистлар жонбозлик кўрсатишади. Улар республикамизнинг туман, шаҳар ва вилоятларида бўлиб, камчиликларни ипидан-игнасиғача обдон ўрганиб, ҳақиқатнинг тагига етиб боргач, сўнг фельетон ёзишади. Ана шундагина жамиятимиздаги йўл қўйилган айрим қусурлар фош қилинади, «об-ҳаво» тозаланади. Назаримда фельетонни бамисоли тиббиётнинг шифобахш игнасига ўхшатса бўлади. У баданга суқилгач, жонни бироз оғритиши мумкин, аммо касални даволайди...

## Йўқдан бор қилиб...

Адиблар ўз асарини мавжуд ҳаётдан илҳомланиб яратадилар. Мусаввирлар ҳам табиат манзараларини, мавжудотларни, бутун борликни ўз кўзлари билан кўриб, шуури билан ҳис этиб ижод қиладилар.

Лекин бастакорларчи?! Аллоҳ ёрлақанган бу инсонлар дилга ором берувчи, танни яйратувчи куйни, оҳангни йўқдан бор қилиб қандай яратишаркин?!

## Тасанно!

Иқтидорли актёрларга тасаннолар айтгинг келади. Чунки турли қиёфа, турфа характердаги одамлар образини худди ўзидек яратиш осон дейсизми?! Улар оддий одамлар эмас. Улар унча-мунча инсонларга пасиб қилавермайдиган катта талант эгаларидир.

Эсимда. Талабалик даврим, 1954–1955 йиллар. Ўқишдан уйга троллейбусда қайтаётган эдим. Эски Жувага яқинлашганда ташқарига қарасам собиқ Пушкин боғидаги (ҳозирги Абдулла Қодирий номи боғ) Ҳамза номи театрининг (ҳозирги Ўзбек Миллий академик театри) усти очик ёзги биноси олдида анчагина одамлар тулганишиб туришган

экан. «Бир гап боров» деб троллейбусдан тушиб,  
театрга якинлашдим. Билсам, Англия делегацияси машхур актёр Абдор Ҳидоятлов ижросида  
уйналаётган Уильям Шекспирнинг «Отелло» трагедиясини куриш учун атайлаб Ўзбекистонга келишибди. «Э, қойилман!» дедим. Анча қийналиб бўлса ҳам бир амаллаб бигга чипта топдим-да, ун беш-йигирма чоғли делегацияга қўшилиниб театр-га кирдим. Буш ўрин йўқ. Ҳаммаёқ томошабинлар билан лик тўла. Зўрға ўрнимни топиб ўтирдим. Меҳмонларни биринчи қаторга ўтказишди. Халк севган бестакрор актёр Абдор Ҳидоятлов – Отеллони куришга барча мушток.

Мана, ниҳоят парда очилди. Спектакль бошланди. Гала-ғовур тинди. Пашина учса эшитилгудек тинчлик ҳукмрон. Отелло ролида Абдор Ҳидоятлов, Дездемона ролида Сора Эшонтўраева, Яго ролида Наби Раҳимов.

Севимли актёрларимиз ҳар қачонгидек ўз ролларини қойилмақом қилиб ўйнашмоқда. Мен эса илғари спектаклни бир неча бор кўрганим боис делегация аъзолари уни қандай қабул қилишаркин, дея бўйнимни чўзиб-чўзиб тез-тез уларга қараб-қараб қўяман. Ва шунинг билан меҳмонларнинг Отелло ролини маҳорат ва иштиёқ билан бери-

либ ўйнаётган Аброр Ҳидоятлов ижросига лол қолаётганликларини дилдан ҳис қиламан. Чет эл делегацияси қағнашаётган шу бугунги спектаклда назаримда Отелло ролидаги ҳурматли актёримиз одатдагидан эҳтирослироқ, янада образга берилиброқ ўйнагандек бўлди. Балки менга шундай туюлгандир. Яна билмадим...

Учинчи нарда тугагач театр ходимларидан бири саҳнага чиқиб «Илтимос, қимирламай ўтиринглар» деб томошабинларга мурожаат қилди ва делегация раҳбарига сўз берди.

– Ҳурматли томошабинлар, биз ўз ватанимизда Ўзбекистонда Отелло ролини қисмига стгазибгина эмас, балки ундан-да ўтказиб ўйнайдиган буюк актёр Аброр Ҳидоятлов бор деб эшитардик. Кўпгина мамлакатларда бўлиб Отеллони кўрдик. Энди навбат Ўзбекистонга келиб, ўзбек Отеллосини кўриш эди. Ниҳоят орзуимиз ушалиб, Тошкентга ҳам етиб келдик. Спектаклнинг уч нардасини (гарчанд тил билмасак ҳам) ҳаяжон-ла, ҳайрат-ла ўз кўзимиз билан кўрдик. Биз тасаввур қилган Отелло ролидаги Аброр Ҳидоятлов ўйларимизни доғда қолдириб, ундан ҳам ўтказиб юборганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ҳеч қайси мамлакатда «Отелло»ни бу қадар зўр маҳорат билан ўйнаган актёрни учрат-

мадик. Шунингдек, Дездемона ролидаги актриса Сора Эшонтурасва, Яго ролидаги Наби Рахимовлар маҳоратига тан бердик. Биз юртимизга қайтариб боргач Отелло ролини бетакрор, ҳеч кимга ўхшатмай ижро этган буюк актёр Аббор Ҳидоятлов доврўғини Англия халкига тулиб-тошиб дoston қиламиз. Бу актёрни, агар таъбир жоиз бўлса Отелло образини Шекспир таърифлаган даражада ярата олган иккинчи Шекспир деса бўлади! Bravo! Bravo! – делегация раҳбари нутқини ҳаяжон билан тугатди.

Томошабинлар ўринларидан туриб узок қарсақ чалишгач, антрактга ҳам чиқмай томоша давомини кўрдилар.

Шу ўринда Яго ролини маромига етказиб, маҳорат билан ўйнаган, ҳам комик, ҳам жиддий роллар ижроқиси, эл севган актёр Наби Рахимов ҳақида ҳам тўхталмасак бўлмайди.

1952–1953 йиллар рус ёзувқиси Н.В. Гоголнинг «Ревизор» комедияси собиқ Ҳамза театрида сахнага қўйилди. Уша пайт бу спектаклнинг доврўғи бутун республикамизга тарқалди. Театр деса ўзимни томдан тапплашга тайёр, санъат шайдоси бўлмиш камина ҳам Хлестаков ролидаги Наби Рахимов, шаҳар ҳокими ролидаги Шукур

Бурхонов ва бошқа таниқли актёрлар ижросини кўриб оғзим ланг очилиб қолди. Айниқса, реви-зор ролидаги Наби Раҳимовни томошабин грим-да дастлаб танимай қолади. Ўзининг оғзин, ихчам жуссасига қуйиб қўйгандек ярашиб турган фрак, шляпа, кўлда олиб юрадиган таёкча, ҳеч кимнинг овозига ўхшамаган Наби Раҳимовча овоз, кибор-ларга хос ўринли ҳаракатлар... э, қўйинг-чи, бу рол ижросини менимча ҳеч ким ўринли таъриф-лай олмас. Наби Раҳимов ўзининг ушбу ролини Россия киносиди Хлестаков ролини ижро этган машҳур рус киноюлдузи Андрей Мироновдан ҳам ўтказиб ўйнаган деб, ҳеч муболағасиз айти-шим мумкин.

Бу унутилмас кунлар хотирамда умрбод муҳрланиб қолган, ҳануз эсдан чиқмайди. Санъат дарғалари Абдор Ҳидоят, Шукур Бурхонов, Олим Ҳўжасв, Наби Раҳимов, Обид Жалилов, Зикир Муҳаммаджонов, Ғани Аъзамов, Раззок Ҳамроев, Маҳмуджон Ғафуров, Сора Эшонтураева, Лутфихоним Саримсоқова, Ҳамза Умаров, Зайнаб Салриева каби устоз санъаткорлар маҳорати ол-дида доимо таъзимдамиз. Чунки улар ўзбек халқи доврўғини дунёга танитган улкан ижодкор, иззат-икром, ҳурмат-эътиборга лойиқ талант эгаларидир.

## Ўзини бозорга солиш

Одатда ўзини ҳурмат қиладиган, ўз обрўсини яхши биладиган санъаткорлар сахнада ҳам, телевизорда ҳам сипо кийиниб чикиб, одоб, андиша, ибобилан хониш қилишади. Лекин айрим пайтларда «ойнаи жаҳон» орқали клип деб аталмиш видеороликларда тунда ором оладиган ўрип-тўшагида ястаниб ётиб олиб ашула айтаётган баъзи хонандалар хатти-ҳаракатларини кўриб ҳайрон қоламан. Бунини қандай баҳолаш мумкин?! Қаламим ҳам ожизлик қилади...

Хонининг давомида ясама кинрик уланган «жоду» кўзларини бўлар-бўлмасга пириратиб, зўрма-зўраки жилмайиб, пошнаси бир қарич туфлисини кўз-кўз қилганча оёқларни худди бадантарбия қиляётгандек галма-гал кўтариб-тушириб ёхуд сўрага ётиб олганча у ёқдан бу ёққа думалаб-сумалаб, ўзини бачкана кўйга солиб куйлаётган баъзи «юлдузчалар»га нима дейишни ҳам билмайсан, киши?!

Ахир ашуланинг асосий маъзи ҳисобланмиш матнини равои ва тушунарли қилиб ёзган шоир, қанчадан-қанча изланишлар билан қуй яратган бастакорнинг ҳурмати учун ҳадсб қийшангалай-

вермай, тинч турган ёки курсига ўтирган ҳолда, одоб билан куйлаш нахотки мумкин бўлмаса?! Экранда беўхшов ҳаракатлар қилиб ашула айтаётган бундай хопандани «ўзини бозорга солиш» деб аташ тўғри бўлади.

### **Куй авжида узилмасин тор...**

«Ўзбекистон», «Ёшлар», «Мапъал» радиоканалларидан таралаётган оҳанрабо куй-қушиқлар дилларни хушнуд этиб, шинавандаларга хузур бағишлайди. Чунки яхши куй, қушиқ тинглаганингда вужудинг ором олади.

Лекин гоҳида бирор ашула ёки куйни мазза қилиб тинглаётганингизда у охирига етмасдан тўсатдан ашула такка тўхтатилиб: «Сиз «Ёшлар» каналини тинглаяпсиз», деган эълон ёки реклама-нинг берилишини қапдай изоҳлаш мумкин? Чунки, «Ёшлар» радиоканалидан марҳум хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Охунжон Мадалиевнинг «Сени бугун кўрмасам бўлмас» ашуласи эшиттирилаётганда айнан шундай бўлди. Шунингдек, устоз ҳофизларнинг бир ашуласи охирига етмай, иккинчиси бошлаб юборилиши ҳолатлари ҳам тез-тез учраб туради. Шоир айтганидек, «Куй авжида узилмасин тор!»

Энди шу мавзуга оид яна бир нозик жиҳат: бирор хонанданинг отаси, онаси ёки яқин қариндоши қазо қилган куннинг ўзида ё эртасигаёқ радио тўлқинларидаги уша азадор ҳофиз хониш қилиб турса, ғалати эмасми? Масалан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Райҳон Ғаниеванинг онаси, таниқли киноактриса Тамара Шокирова вафот этган куннинг эртасигаёқ хонанданинг «Бака-бакабанг, дор ўйнанг» қўшиғи янграб турибди-да!

Ўзбекистон телерадиокомпанияси мутасаддилари мана шундай нозик жиҳатларга ҳам эътиборлироқ бўлишса, ёмон бўлмасди.

## Маънавият ўчоғига муносабат

Бугун жума. Бу кунни доим иштиқ кутаман. Негаки ҳудди шу қутлуғ кунда мен учун энг сеvimли «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси чоп этилади. Ажойиб ҳикоялар, дилтортар шеърлар, замонамиз ижодкорлари асарларига тақризлар, янги чиққан китоблар, санъат аҳли ҳақидаги бамаъни мақолаларни ўқиб баҳра оламан. Албатта, мана шундай яхши мақолалар чоп этиладиган бошқа газеталар ҳам талайгина.

Аммо кейинги пайтларда «Матбуот» деб аталмиш газета-журналлар дўконлари камайиб бораётгани ташвишланарли. Чунончи, биз яшаётган «Ишчилар шаҳарчаси»да илгари иккита, ҳатто учта матбуот дўкони бўларди. Ҳозир эса битта ҳам йўқ. Уйимдан икки бекат наридаги матбуот дўкони кўпинча берк бўлади. Шу сабабли гоҳо кўшни маҳалла гузарига йўл оламан. Матбуот дўконига кўхликкина жувон менга жилмайиб қараб: «Нима керак отахон, ручками, тароқми ёки несвараларга сакичми?» деб сўрайди. «Газета керак кизим, газета! «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси», дейман. «Бизга бунақа газета келмайди», дейди бепарвогина. Яна излашга тушаман. Чунки бутун шаҳарни айланиб бўлса ҳам газетани топмагунча тинчимайман. Афсуски шахримизнинг кўпгина маҳаллаларида матбуот дўконлари йўқ. Баъзи киоскалар эса аксига олиб ишламаётган бўлади. Ишлаётганларидан ҳам қидирган газета ёки журналингизни топиш мушкул. Нуқул «Бизга келмайди» деган бир хил жавоб оласиз. Ўз номи билан «Матбуот дўкони» бўлганидан кейин республикамиздаги барча марказий нашрлар бўлиши лозим эмасми?!

Хулоса шуки, биринчидан, ҳар бир маҳалла аҳолиси учун қулай жойда мунтазам ишлаб тура-

диган матбуот дўкони ўрнатилса ва бунда «майда-чуйдалар» эмас, фақат газета-журналлар сотилса, иккинчидан, дўконда барча нашрларнинг номларини яхши биладиган, ҳатто уларнинг қай бирида қандай мақола ёритилганини кузатиб борадиган сотувчилар ишласа нур устига аъло нур бўларди. Шундай эмасми?!





## ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ҲАҚИДА

### Муомалада гап кўп

Инсонларга хос энг улуғ фазилатлардан бири муомала маданияти бўлиб, бир-бирлари билан ҳар хил шароитда турли даражада мулоқотда бўладилар. Баъзилар ширинсуханлиги, хушмуомалалиги, ёқимтойлиги билан ҳар қандай мушкул ишни ёки муаммони киска фурсатда хамирдан қил суғургандек осонгина ҳал этишса, айримлар кўрслиги, кўполлиги туфайли битай деб турган ишни ҳам бир зумда йўққа чиқарадилар.

Ҳа, муомала ҳар қандай ишда ҳам энг муҳим ва асосий омилдир.

### Ҳаракатда баракат

Одамлар орасида серғайрат, удабурон, қадамидан ўт чақнайдиганлари борки, агар бирор ишни бажараман деса, бир зумда айтилганидан ҳам аъло даражада бекаму кўст амалга оширади. Бундай инсонлар эл орасида ҳам, оиласида ҳам

обру-ътиборли бўлиб, ҳар қандай иши юришгандан юришаверади. Омад ҳам уларга ҳамиша киё бокаверади. Ўзлари эса ҳамма вақт кайфияти чоғ, хотиржамликда бахтли ҳаёт гаштини суриб юраверишади.

Аммо орамизда тепса тебранмас, ишёқмас, дангаса яна бир тоифа одамлар ҳам борки, уларнинг ўзини кўриш у ёқда турсин, номини эшитсанг энсанг қотади. Бундайлар билан кўришишдан ҳам, сўрашишдан ҳам қочасан. Уларнинг на кўниқўшниси ва на қариндош-уруғи олдида ҳурмати, обрўси бўлади. Шу боис ҳаёти давомида иши ҳам юришмайди, омади ҳам чопмайди. Қариган чоғида эса атрофдагиларнинг назаридан четда қолиб, ҳеч кимга кераксиз бир замбил лойдек сўмрайганча юраверади.

Аммо ҳар дарднинг давоси бор. Бундай кимсалар ҳам ўзини қўлга олиб, ёнбошлаб ётган ёки ялнайиб ўтирган юмшоқ ўрнидан дик этиб туриб ишга тушиб кетса, бу ёруғ олам янада ёришиб кетармиди?!

### Ким аслида, ким?

Ҳаёт кизик-да. Гоҳо жуда антиқа одамларга дуч келасиз. Улардан айримлари суҳбатдошига

ўтмишда ўзининг қилган ишлари, мансабдор шахслар билан бўлиб ўтган мулоқотлари ва бошқа фалончи-писмадончилар ҳақида оғиз кўпиртириб, чакаги тинмай гапиравериб, шеригининг миясини қоқиб кўлига беради. У киши шу билан ўзича «Билиб қўйинг менинг кимлигимни» демоқчи, гўски обрўсини кўтармоқчи бўлади. Энг кизиги шундаки, суҳбатдоши ўзидан ҳам баландроқ лавозимларда ишлаган одам эканлигини билмайди. Ана шундай маҳмадона одамларга қараб «Сизни чидам билан эшитиб, тоқати тоқ бўлаётган одамни ҳам бир гинглаб кўринг-а, биродар, ана шунда сиз ҳаётда ким, аслида ким эканлигини билиб оласиз», дегим келади...

### Уйғон, болакай!

Ўззукун компьютеру телевизор экранига тикилиб, олтин ёшлик даврининг беҳуда ўтказмай, диккинафас хонадан ташқарига чиксанг-чи! Осмону фалакка боқ. Турфа қушларнинг сайроғини эшит, канотларини кенг ёйиб, мусаффо осмонда учиб, яйрашини кўр. Ёўзал табиатдан, осмонўпар қорли тоғлардан, зилол суви шарқираган сойлардан завқланиб, меваси шигил боғлардан тўйиб-

тўйиб баҳра олсанг-чи. Тур ўрнингдан, чиқ кўчага!  
Бошингни айлангириб, сени сеҳрлаб қўйган ўша  
«дилбузар кути»дан бир зумгина кўзларингни уз!  
Кейинчалик ўтган умрингга афсусланмаслик учун  
«уйкудан уйғон» ўғлим...

### Камтарга камол

«Кеккайганга кеккайгил, бошинг кўкка ст-  
гунча, эгилганга эгилгил, бошинг ерга теккун-  
ча». Бағоят топиб айтилган пурмаъно мақол-да.  
Дарҳақиқат, ҳаётда кимларга дуч келмайсан, киши.  
Одамлар орасида шундай камтар, ширинсухан,  
дилкаш инсонлар борки, улар билан суҳбатлашиб,  
чанқоқ кўнгил шаффоф булоқдан тўйиб сув ичган-  
дай баҳри дилинг очилади. Мазза қиласан. Бундай  
кишилар қандай лавозимда бўлинидап қатъи на-  
зар барча билан бирдай саломлашади, ҳол-аҳвол  
сўрашади. Маҳаллаларда ҳам шундай кишиларни  
эл қатори тўй-маъракаларга ҳурмат қилиб айтиша-  
ди. «Камтарга камол» деганларидек, бу каби инсон-  
ларнинг ҳурмати, обрўси эл орасида ортса ортади-  
ки, асло камаймайди.

Лекин яна бир тоифа одамлар ҳам бор. Худди  
бирова еб, улар курук колгандек, кабоқлар уюл-

ган, бурун эса бир тешигидан ип ўтказиб юқорига  
ошиб қўйилгандай осмону фалакда. Ё ўё заминнинг  
бутун иши, ташвиши унинг елкасида тургандек.  
Бундайлар ҳушига келса одамлар билан қўл учи-  
да сўрашган бўлади, ҳушига келмаса каллани ҳам  
қимирлатиш малол келиб, индамай, кеккайиб ўгиб  
кетавсради. Маҳаллаларда онда-сонда учрайдиган  
бундай калондимоғларни тўйга ҳам, азага ҳам ҳеч  
ким таклиф қилмайди. Чунки таклиф қилинган жой-  
га барибир боришмайди-да. Қўлларини чўнтакка  
тикиб, ўнг-сўлига қарамай, ўзини ҳаммадан ақлли,  
доно ҳисоблаб ўдайганча юравсринади. Бу би-  
лан эса бундайлар ўзларини одамгарчиликдан  
аллақачон чиқариб қўйганларини сезишмайди.

Эҳ, одамзод, димоғинг бунчалик ҳаволанмаса.  
Бу беш кунлик дунёда кеккайиб қасққа ҳам борар-  
динг? Ҳар қанча кибрли бўлсанг ҳам барибир мана  
шу халқ билан биргасанку, шу эл юрган йўлдан  
юрасан-ку ахир! Қолаверса, барчамизнинг боради-  
ган охириги манзилимиз ҳам бир-ку...

### Қўлингиз дард кўрмасин...

Ёшу қари, эркагу аёл – шу заминда ҳаёт кечи-  
риб юрган жами одамзод борки, тиббиётга иши

тушмай иложи йўқ. Иссик жон, ҳар ким зарур пайтда албатта шифокорга мурожаат қилади.

Дарвоқе, истиқлолдан сўнг юртимизда барча соҳалар қатори тиббиётда ҳам улкан ўзгаришлар юз берди. Ҳатто мамлакатимизнинг энг олис қишлоқлари ҳам замонавий тиббий анжомлар, асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда. Кўплаб хусусий клиникалар ташкил этилмоқда.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, тиббиётда, айниқса, жарроҳлик соҳаси ўта нозиклиги билан ажралиб туради. Чунки жарроҳдан билимли, тажрибали бўлиш билан бирга ўта ҳушёрлик ва ўткир нигоҳ ҳам талаб этилади. Ахир қанчадан-қанча беморларни операция қилиб, оёққа турғазиб юбориш, ҳаёти хавф остида қолганларнинг жонини сақлаб қолишнинг ўзи бўладими? Шундай пайтда жарроҳларни: «Илоҳим, кўлингиз дард кўрмасин!» дея дуо қиламиз.

Аммо гуруч курмаксиз бўлмас, деганларидек айрим шифокорлар орасида энг аввало беморни эмас, балки ўз чўнтагини ўйлайдиган тамагир, баднафслари ҳам учраб туради. Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Кўричаги дарҳол операция қилиниши зарур бўлган бемор хусусий шифоналардан бирига келтирилди. Бундай ҳолатда

жарроҳ зудлик билан ўз вазифасини адо этиб, жарроҳлик амалиётини ўтказиши лозим эди. Аммо гард юкмаган оппоқ халатининг икки чўнтагига қўлини тикиб гердайиб турган жарроҳнинг: «Кўк»идан «фалонча берсанг, сўнг операция қиламан», дея кўзини лўк қилиб туришини кўриб хайратдан қотиб қолдим.

Одамгарчиликдан юз ўтирган бундай шифокорларга нима дейиш мумкин: «Ҳой инсон, ҳаёти қил устида турган бечора беморни аввал оёққа тургаз. Бироз ўзига келиб олсин. Ушша инсон кетар чоғида хайр-маъзурни насия қилиб жунаб қолмас. Айтилган пулни ҳам тулар. Мабодо ушша одам бечораҳол, ночор оиладан бўлса, бундайларга одамгарчилик, мардлик қилиб саховат кўрсатмоқ ҳам лозимку ахир! Бу дунёда савоб деган фазилат ҳам бор-ку! Бировга қилинган яхшилик асло беиз кетмайди. Буни фақат унутмаслик лозим...».

### **Садқан яхшилик кетсин...**

Сизга яхшилик қилган, масалан, бирор мушкул ишингизни осонлаштирган кишига сидқидилдан миннатдорчилик билдиришингиз турган гап. Ҳар бир инсон буни жуда яхши билади. Лекин ҳаётда

гоҳ-гоҳ шундай одамлар ҳам учрайдики, унга яхшилик қилдинг нимаю, қилмадинг нима. Бамисоли уйқудан эндигина туриб, ҳали-вери ўзига келмаган одамдай лоҳас, афт-ангори бир ҳолатда, қилган яхшилигингни назар-писанд қилмагандай, кўзларини лўқ қилиб тураверади. Гуё сен ундан катта миқдорда қарз олгансану, бермай кетгансан. Унга яхшилик қилиш гуё сенинг вазифангга кирарди.

Э, биродар, садкаи яхшилик кетсин сенга! Жуда бўлмаса, бор-йўғи бир сўздан иборат «Раҳмат» деган каломни бир амаллаб айтсанг, оғзинг кира тилайдими? Мабодо, шуни ҳам айта олмасанг, у сени энди Холиқ ихтиёрига...

### Эй, одамзод!

Хонадопингда бирон нохушлик, қандайдир ташвишли ҳол юз беришини кечаю кундуз анг-танг бўлиб кутаётган, кўкрағи ҳасад тўла ғаниминга «Бу бевафо, беш кунлик дунёда ўзингни ўзинг қийнаб нима қиласан, эй одамзод, барча каби ҳаёт гаштидан, лаззатидан баҳра олиб, мазза қилиб яшаб қолсанг-чи...», дегинг келади.

## Ён қўшни – жон қўшни, лекин...

«Узоқдаги қариндошдан, яқиндаги қўшни яхши», «Қўшнинг тинч – сен тинч», «Ён қўшнинг – жон қўшнинг». Ҳаёт тажрибаси, турмуш сабоқларидан келиб чиқиб ҳун топиб айтилган жуда ўринли мақоллар.

Ҳаётда шундай қўшнилар бўладики, яхши кунингда ҳам, ёмон кунингда ҳам елкадош туришади. Яхши қўшнилар бор экан, бағринг бут, кўнглинг хотиржамдир. Аммо айрим қўшнилар ҳам бўладики... Масалан, шундай қўшнинг рўзғор асбобларидан тешами, аррами, кетмонми, омбирми, ниманидир сўраб чиқади. Йўқ деёлмайсан, берасан. Кунлар, ҳафталар, ҳатто ойлар ўтадики, олинган нарсанга қайтариб берилмайди. На илож. Ўзингнинг нарсангни юз истиҳолога бориб, ўзинг сўраб чиқасан. Олинган нарсани эслагсанг, «Ҳозир, қараб кўрай-чи», дейди. Узоқ куттиришдан сўнг топиб, олиб чиқиб берса-ку, майли. Топа олмаса ўша буюминг «қулогини ушлаб кетган» бўлади. Энг қизиғи, кейинги гал ўша қўшнинг ҳеч нарсанга бўлмагандай, яна нимадир сўраб чиқади. Юз-хотир қилиб, йўқ дея олмайсан. Сўнг яна ўтган сафарни аҳвол...

Ҳой биродар, заруратдан олган нарсангни ишлатиб бўлгач, раҳматингни айтиб, ўз вақтида эгасига қайтаргин-да, ахир! Янаги гал сўраб чиқишингга осон бўлади. Ҳожатингни чиқарган кўшнингни ранжитиб, яна кирадиган эшигингни қаттиқ ёпиб нима қиласан?

Агар ўша кўшнингизга шундай десангиз, «Арзимаган нарсага шунча гапми», дейиши мумкин. Лекин шу «арзимаган нарса» сенинг арзийдиган ишингга яраб берди-ку, деб дилингиздаги гапни юзига айтворгингиз келади, лекин андиша, орномус устун келиб, индамай қўя қоласиз. Чунки ён кўшни – жон кўшни-да!..





## АХЛОҚ ВА ОДОБ ҲАҚИДА

### Бола бошидан

Ҳали икки ёшга ҳам тулмаган, энди яримта-юримта гапираётган набирам Робия ўзига ярашган қилиқларию ширин-шакар гаплари билан ҳовлида у ёқдан бу ёққа пилдираб, ўзича нималарнидир бижирлаб, барчага аъло кайфият ва қувонч улашиб юрибди. Зимдан унинг ҳаракатларига разм соламан: ҳеч ким айтмаган, буюрмаган, ўргатмаган ишлар билан ўз ҳолича банд – кўрпачами, гиламми ё дастурхоннинг қайрилиб қолган жойини текислаб, тўғрилайди, пойабзалларни ўзича тартиб билан қўяди, очик турган эшик ёки деразани беркитади, хонтахта устидаги пиёлаларни ва сочикларни жой-жойига қўяди... Хуллас турли юмушлар билан банд...

Норасида гўдакнинг ўзича мустақил фикр юритиб, ўзига ўзи иш топиб, қилаётган ҳайратомуз ҳаракатларини кўриб: «Ё тавба!» дея ёқамни ушлайман. Демак, бола бошидан, деган гап бежиз айтилмаган экан-да. Албатта, кўп нарса тарбияга

ҳам боғлиқку-я, лекин Яратганнинг қудрати билан даставвал боланинг ўзида, қонида бўлиши керак экан.

## Ваъдага вафо – марднинг иши

Ваъдага вафо – марднинг иши, ваъдасиз – субутсиз киши. Дарҳақиқат, шундай. Бирор дўст ёки қариндошга: «Фалон куни фалон соатда, агар уйда бўлсангиз, оилавий бормокчи эдик», деб сим қокдингиз дейлик. Ўша куни сабаблыми, сабабсизми, бора олмай қолдингиз. Хўш, бундай ҳолатда у хонадонда қандай «об-ҳаво» вужудга келишини бир тасаввур қилиб кўринг-а? «Ана келишади, мана келишади», деб эшикка термула-термула интиқ бўлиб сизни кутаётган мезбон дастурхон тайёрлаш учун албатта бозор қилган ва ўша кунги барча зарур ишларини йиғиштириб қўйган бўлади.

Яна бир мисол: қайсидир якинингиз иморат қуришга чоғланди дейлик. Сиз тантилик қилиб унга: «Э, биродар, зўр усталарни ўзим гаплашиб бераман. Мабодо харажатлар кўнайиб кетгудек бўлса, тортинманг, мана, мен турибман», дея ваъда бердингизу, аммо хизмат сафари ёки бошқа ташвишлар билан бўлиб унутиб қўйдингиз. Ўша танишингиз бошқа уста қидирмай сизга ишониб

юравсради, окибатда иморатнинг тикланиши ҳам кечикади.

Майли, кун келиб, сиз айтган зуридан бўлмаса-да, мундайроқ усталар билан ўша турт дсвор ҳам тикланар. Аммо ўртада биродарингизнинг сизга бўлган ишончи, хурматиға дарз кетгани қолади. Қолаверса, бошқа таниш-билишлар олдида ҳам кадр-кимматингиз ва обрўйингизга путур етади.

Эй, ваъда беришга чоғланаётган биродарлар! Кслинг, барчамиз ваъда беришдан аввал имкони-ятларимизни чамалаб кўрайлик. Сўз бердикми, ҳар қандай вазиятда ҳам уни амалга оширайлик. Шундагина юзимиз ҳамиша ёруғ, дилимиз равшан бўлади.

## Бемаврид кўнғирок

Ярим тун. Кун бўйи ишлаб чарчаганингиз учун иссиққина ўрнингизда мазза қилиб ухлаб ётибсиз. Хулди шу дамда телефон жиринглаб қолди. Бундай пайт чўчиб уйғонишингиз билан бирга дарров «бемаҳалда ким кўнғирок килаётганикин?», «бирор қариндошда кор-ҳол юз бермаганмикин?» ёки «ишқилиб тинчлик бўлсин-да», деган ўй миянгизни чулғаб олади. Ҳаёл зумда касал ётган қариндош-

уруғлар томон кетади. Минг бир ҳадик билан гушакни кутарасиз. «Алло, Нафисахонни бир минутга чакириб юборинг», деган бамайлихотир овоз келади. «Қанақа Нафиса? Бошқа ёкка тушдингиз. Ҳе, ўша Нафисани...», телефонни шарақлатиб жойига қўясиз.

Шундан сўнг уйқу ҳам ўчади. Асаблар таранглашгач, бояги ором, мазза қилиб кўраётган туш қани энди? То ўзингизга келгунча тонг ҳам ота бошлайди.

Тунни бедор ўтказувчи барака тошғурлар, қок ярим кечада қистаб турган «жудаям зарур» ишингиз бор экан, аввал чирокни ёқиб, рақамларни янглишмай, хушёрлик билан аниқ-таниқ териб олсангиз бўлмайдими?! Ёки кундуз куни қўнғирок қилсангиз яна ҳам соз.

### «Сен» ва «Сиз»

Одам одам билан сенсираб гаплашгани яхшими ёки сизлабми? Бу ибора турфа миллатларда турлича талкин этилади. Чунончи, русларда ўз ота-онасини, қариндош-уруғларини сенсираш одат бўлса, биз — ўзбекларда эса ота-она, ака-опа, ёши улуғларни (тенгдошларни, ҳатто кичик ёшдагиларни ҳам) сиз-

лаш азалдан удум саналади. Фақат ёшликдан бирга улғайганларгина одатда бир-бирини сенсирашади. Лекин ҳаётда шундай тоифа одамларга ҳам дуч келасизки, уларнинг буткул бегоналарга қилаётган муомаласини кўриб, ҳайрон қоласиз.

Нашриётда ишлаб юрган кезларим эди. Ходимлар билан ўтиргандик, бир маҳал хонага баланд бўйли, сочлари тикка-тикка, ёши улуг бир киши кириб келди. Салом-аликдан сўнг: «Ҳа, нима гап оламда? Анчадан бери кўринмайсан? Ишларинг яхшими? Олдинга бир иш билан келгандим...». Мен бу одамнинг институтда дарс беришини, профессорлигини орқаваротдан эшитган ва ўзини ҳам бир-икки кўрган эдим-у, аммо у билан ҳеч қачон мулоқотда бўлмаган эдим. У кишининг хонага кира солиб, ходимлар олдида мени сенсираб гап бошлагани эриш туюлди. Агар у улфатим ёки устозим бўлганда майли эди, сенсираш ярашарди.

Яна бир мисол: маҳалламиздаги тўйда битта мактабни мендан бир йил олдин тугатган мактабдошим (ўша кезларда у юқори лавозимда ишларди) менга сенсираб гапира бошлади. Ҳайрон бўлдим. Ахир у менга синфдош бўлмаса, ё бирон жойда у билан ош-қатиқ ейишмаган бўлсак? Нечун болачақали, неварачеварали ўзга одам билан сенси-

раб гаплашади? Ундан мактабда бир синф кейин ўқиганим ёки мансабдор бўлгани учун сенсираши керакми? Ё, тавба!

Хулоса шуки, ҳар бир инсон қайси даврада, ким билан гаплашишидан қағъи назар, суҳбатдошининг ҳурматини жойига қўйиб, ҳаддини билиши лозим.

### **Фотиҳасини ўқимай десангиз...**

Ҳали бажарилмаган иш ёки бирор буюртма учун олдиндан пул тўлаб қўйсангиз, биласизми қандай оворагарчилик, сарсонгарчилик юз беришини? Иш бажарувчи, фалон куни албатта бажараман, писмадон куни келинг, албатта бўлади каби ваъдаларни қалаштириб ташлайди. Иш дегани бўш резинкадек чўзилгандан чўзилаверади. Чакак дегани чарчагандан чарчайверади. Асаб дегани қақшагандан қақшайверади. Охири катнайвериби-катнайвериби, жон ҳикилдоққа келгач, берган пуллингиздан кечиб, фотиҳасини ўқиб қолаверасиз...

Ана шундай кўнгилсизликлар содир бўлмаслиги учун ҳали-вери бошланмаган ёки чала қолган ишга зинҳор-базинҳор олдиндан пул тўлай кўрманг.

## Ёлғон гапирганмисиз?

Муҳтарам китобхон, сиз умрингиз давомида ҳеч маҳал ёлғон гапирганмисиз? Бу савол ҳар бир кишини ўйлантириб қўйиши турган гап. Дастлаб болаликдаги хотиралар бирма-бир кўз ўнгимиздан ўта бошлайди. Дарҳақиқат, ҳар биримиз ҳам ёшлик давримизда ўйинқароқлик қилиб ўртоқларимизга, ҳатто, ота-онамизга ҳам ёлғон гапирган найтларимиз бўлган. Албатта, бегубор дамлардаги у ёлғонларни жудаям айбсйтиб бўлмайди. Аммо ёш улғайгач ҳам ёлғон гапирса нима бўлади?

Мунтазам ёлғон гапирадиган, одамларни алдашга одагланган одам ҳеч қачон рушнолик кўрмайди, аксинча охир-оқибат эл-юрт пазаридан қолади. Худди «Уйимга ўт тушди, ёрдам беринглар», дея қўшниларини алдаган ва кейинчалик ростдан ҳам уйи ёниб кетганда одамларни кўмакка чақиргану, аммо ҳеч ким келмай хонумони қуйиб, кетган киши ҳолига тушиб қолади. Бундай субути йўқ ёлғончиларни тўй-ҳашамга ҳам, бошқа маросимларга ҳам таклиф қилишмайди. Натижада улар ҳеч кимга қўшила олмай ёлғиз шўппайиб юравсради.

Аммо агар ёлғон яхшиликка хизмат қилса, буни оқлаш, ҳатто ибрат қилиб кўрсатиш мумкин. Ҳаётда

не-не вазиятлар, қандай нохушликлар бўлмайди дейсиз. Чунончи, вақти-вақти билан ҳар қандай оилада ҳам эр-хотин ўртасида келишмовчиликлар, узок муддат бир-бири билан гаплашмай юришлар, ҳатто қўйди-чикдилар содир бўлиб туради. Шундай пайтларда эр-хотинни яраштиришдек савоб ишни амалга ошириш зарур бўлиб қолади. Шунда таъбир жоиз бўлса, «фойдали ёлғон» ишлатишга тўғри келади. Дёйлик, урушиб қолган эр-хотиннинг бирор қўшниси ёки қариндошими онасиникига кетиб қолган ўша аразчи аёлга «Эрингизни кўрдим. Гаплашдим. Оилада сизнинг ўрнингиз жуда-жуда билинаётгани, сизни тушларида бот-бот кўраётгани, уйдан файз-барака йўқолгани, хотинсиз уй уй эмас, бамисоли зиндонга айланиб қолгани, уйга тезроқ қайтишингизни зор-интизор бўлиб кутаётганини айтди», деган «ғирт» ёлғонни кўпириб-тошириб айтса ёхуд эрига «Хотинингизни кўрдим. Дадаси шўрликнинг кунни менсиз қандай кечаётган экан, чой тайёрлаб, оғзига иссиқ овқат тутадиган, кири-ни ювиб, дазмоллаб берадиган, «Ишга яхши бориб келинг» деб кузатиб, «Ишдан яхши келдингизми?» дея ҳурмат билан кутиб оладиган одам бўлмаса. Эрим бечоранинг ёлғизликдаги қўплари қандай ўтаётган экан деди», дея хотини тилидан тўқилган

ёлғонни жуфти ҳалолани қайнонасиникидан олиб келишга ор қилиб юрган эрга етказилса.

Нагижада ораларидан қатга қора мушук ўтган икки аразчи эр-хотин ўртасида яраш-яраш бўлиб, олам ва қолаверса оила ҳам гулистон бўларди. Чунки бундай вазиятларда айтиладиган ёлғон фақат яхшиликка хизмат қилади.

## Масхарабоз

Остона хатлаб кўчага чиқсангиз, турли-туман кийинган эркекларга дуч келасиз. Ёзда асосан, ёзги кўйлак, шим. Қишда эса пальто, плаш, куртка, тун. Бошда телпак, шапка, шляпа.

Энди булар қаторида нақ «масхарабоз»ига ҳам дуч келасизки, ҳайратдан ёқангизни ушлайсиз. Ёши улуг, бола-чақали, балки неварали бир эркек кўзида қора кўзойнак, тор майка, қалта шортида бесўнақай оёқларию кўкрагидан тошиб чиққан жунни кўз-кўз қилиб қайси бет билан уялмай-нетмай кўчани тўлдириб юрибди. У ўзини тўғи мода ишқибози ҳисобласада, аслида цирк масхарабозига ўхшаб қолганини наҳотки сезмаса?! Тўғри, бундай қулай кийимларни ҳам кийиш мумкин. Аммо уйда ёки дала ҳовлисида. Лекин эл олида, жамоат

жойида барчага майна-масхара бўлиб, шу аҳволда юриш ҳақида ўйлаб қуриш учун наҳотки елкада иккинчи калла зарур бўлса?!

## Қайтиш уйга!

Бугун мода кетидан куваётган айрим «ўта замонавий» кизлар ҳақида ҳам икки оғиз мулоҳаза. Бундан анча йиллар аввал бувиларимиз, аммаю холаларимиз «ҳусн-жамолимга номаҳрамлар кузи тушмасин», дея ҳаё билан кийиниб юришган. Ўшанда сочлар бир чиройли ўрилган, эгнида этаги, енги узун кўйлак бўлган. Алп йигитлар бундай санамларнинг ойдек жамолини бир марта кўришга мушток бўлишган, шоирлар куйиб-ёниб ғазаллар, дostonлар, қасидалар бигишган. Энди бўлса...

Замонамиз санамлари жудаям замонавийлашиб кетмокда. Эгнидаги кўйлакнинг енги йўқ, ёқаси йўқ, афсуски этаги ҳам йўқ. Тунда кийиб ётадиган ич кўйлакда уялмай-петмай, кўчага чиқишмокда. Қад-комағни ҳаммага намойиш қилиндан мақсад нима?

Буниси ҳали ҳолва. Ўн гулидан бир гули очилмаган кизнинг сигарет чекишига нима дейсиз? Келгусида соғлом фарзандни қандай дунёга келти-

ради? Энди шоирлар ҳозирги кизларга атаб қандай қасидалар, ғазаллар битади?

Ҳали ҳам бўлса кеч эмас, жон кизларим тезда уйингизга қайтинг! Ҳаё, ибо, латофат, андишалардан тўкилган либосларга бурканиб олинг. Шунда асло кам бўлмайсиз, зебо кизларим!

### Катта ҳаёт остонасида

Ҳали шарт-шароити, сир-асрори номаълум, тамоман ёт кишилар орасига умрбод келип бўлиб, фарзанд бўлиб кетишга шай турган лобар қиз! Сени ун саккиз-йигирма йил оқ ювиб, оқ тараб, меҳр билан ўстирган ота-онанинг тарк этиб, бегона хонадонга йўл олишинг тақдири азал – пеншопага ёзилган бўлса, на илож. Аммо бундан асло ўкинма. Чунки сен энди янги ота, янги онанинг севимли қизи, куёв боланинг вафодор сри, ширин-ширин фарзандларнинг меҳрибон онаси, жажжигина оиланинг бекаси бўласан. Катта ҳаётнинг пасту баланд йўлларида сенга бардош ва албатта, омад ёр бўлсин.

## Нокулай ҳолат

Юқори лавозимда ишлаган айрим одамлар баъзи сабабларга кўра ишдан бўшаганларида ёки нафақага чиққанларида наинки таниш-билиш, ҳатто бегоналар билан ҳам қўл бериб қўришадиган бўлиб қолишади. Агар улар ҳамма вақт ўзларини ҳушёрлик билан бир маромда тутганларида эди, атрофдагилар назарида бундай энса қотадиган, кулгили, нокўлай ҳолатга тушиб қолмаган бўлармидилар!?

## Меҳр кўзда

Одамлар билан телефонда ёки дийдорлашиб гаплашиш орасида қандай тафовут бор? «Меҳр кўзда» деганларидек, кўз кўзга тушиб, ҳол-аҳвол сўрашиш ёки бирор зарур ишними, муаммони-ми ҳал қилишда юзма-юз, бақамти ўтириб гаплашиш қайдаю, гоҳ баланд, гоҳ англаб бўлмас қуруқ, суст овозда «Алло, алло? Яхши эшитилмаяпти, қаттиқроқ гапиринг» ёки «Абонент хизмат кўрсатиш доирасидан ташқарида», деган автоматнинг ёқимсиз жавобини эшитган ҳолда гоҳо қийналиб, баъзан асабийлашиб телефонда гаплашиш қайда?

Дарвоке, дийдорлашганда чехрадаги имо-ишоралар, турфа маъноларга ғарқ ссахрили нигоҳлар: ички туйғу ёки туғёнлар, хушсурат ним табассумлар...

Буларнинг барчаси кишига хузур бағишловчи, таскин берувчи бстакрор ҳолатлар эмасми? Дийдорлашиб туришга нима етсин!

### Эй, инсон!

Эй, Инсон! Парвардигор сени минг-минглаб жониворлар орасида бир-бирингнинг устингдан ҳукмрон буласан, бир-бирингнинг киндик қони тукилган ерингни, мол-мулкингни зўравонлик, босқинчилик қилиб тортиб оласан, темирдан қурол, қўрғошиндан ўқ ясаб уруш қилиб, бир-бирингнинг гўштингни ейсан деб яратмаган-ку! Бинобарин, оила қуриб, авлодни қупайтирасан, бир-бирларинг билан аҳил, тинч-тоғув, севиб, ссвилиб яшайсан, бунёдкорлик, эзгулик ишлари билан шуғулланасан, деб сени йўқ жойдан бор қилган эмасми?!

Демак, инсониятнинг ҳаёт қонуниятлари шундай экан, нечун сен Одам Ато билан Момо Ҳаво оила қурган даврдан то шу кунга қадар ҳамон қирғинбаротликлар, вайронагарчиликлар,

қотилликлар ва яна қандайдир инсон зотига, шаънига ёт бўлмағур иллатлар билан шуғулланиб келасан? Нечун?

Сен атрофинидаги табиат қўйнига диққат билан разм солиб бир қара-чи. Йирткич ҳайвонлар-у парранда-даррандалар, қурт-кумурскалар, онгсиз, инстинкт билан яшайдиган жамики жонзотлар ҳеч маҳал бир-бирларини ўлдирмайди-ку (бир хил турдаги ҳайвонлар назарда тутиляпти)! Аксинча, ўзи яшаётган ҳудудни, зурриётларини душманларидан ҳимоя қилиб, иноқ ва тотув ҳаёт кечиришади-ку, ахир!

Ҳой Инсон! Ақл-хушингни бир жойга тўплаб, жиддий фикр юритиб кўр-чи. Ҳеч кимга, ҳеч нарсага парво қилмай, кўр-кўрона қабоҳатга кстаётганинг инсофданми? Кўзингни каттароқ очиб, шуни билгинки, қачондир онг, шуур ҳолиб келиб, одам одамни ўлдирмай, одам одамга ўхшаб яшайдиган кун келади. Бундай замонни бутун башарият интиқ бўлиб кутади. Шундай кун эса яқин.



## УРФ-ОДАТ ҲАҚИДА

### Одам неча марта туғилади?!

Туғилган кун! Бу кун қандай бахтли, унутилмас, бир оила олам-олам қувончларга, шодликларга, файзга тўлган кун-а. Айниқса, ёш келин учун она, ёш куёв учун ота бўлиш бахтига муяссар бўлган ажойиб кунлигини қандай сўзлар билан таърифлаш мумкин. Ана шу кун деярли ҳар бир оилада «Туғилган кун» сифатида тантанали нишонлаб келинади. Лекин бу кунни «Туғилган кун» дея аташ қанчалик тўғри.

Аслини олганда, бу ёруғ дунёда инсон фақат бир марта дунёга келади. Шундай бўлгач, энди ҳеч қачон «қайтмайдиган» «туғилган кун»ни катта дабдабалар билан «Менинг таваллуд топган куним!» дея ҳар йили нишонлаш қанчалик тўғри?

Эҳ, одамлар, одамлар! Ахир инсон бу дунёга фақат бир марта туғилиб келадику. Ҳеч ким ҳеч маҳал «туғилишни мендан кўр!» дея ҳар йили қайта-қайта туғилавермайди-ку!

Башарти, ҳар йили таваллуд топган кунингиз санасини нишонламокчи экансиз, марҳамат, нишонлайверинг. Фақат «Туғилган кун» деб эмас, балки «Фалон ёшга тулган кун», «Фалон ёшлик юбилей» деб аташ мақсадга мувофиқдир. Нима дедингиз?

### **Ош мени еди...**

«Айтилган жойдан қолма, айтилмаган жойга борма», деган нақлга қатъий амал қилиб юардим. Кунлардан бир куни бир қадрдон дўстим кўнғирок қилиб: «Бир ҳамкасбим ош беряпти. Шўппайиб ёлғиз боргим келмаяпти. Биргаликда бориб кслайлик», деб қолди. Йўқ десам дўстим хафа бўладиган. Майли, десам, айтилмаган жой. Ноилож бордим. Борсам... не кўз билан кўрайки, тўй эгаси мен танийдиган яқин танишим чиқди. Лекин у ерда мен ош емадим, ош нақ мени еди...

### **Бемаврид ош**

Илгарилари киш фаслида деярли ҳеч ким элга ош бермасди. Мана энди замонанинг зайлини қарангки, қишин-ёзин тонг саҳарда гурра-гурра

ошга ташриф. Баъзан таклифномалар шунақанги каторлашиб қоладики, ҳатто бир кунда бир маҳалда қайси бирига боришни ҳам билмай қоласан.

Аммо гапнинг сирасини айтганда, тонг қоронғусида ошга бориш учун бир кун олдин тай-срга-рлик кўришга туғри келишини айтинг. Яъни, ярим тунда уйдагиларинг ҳам, ўзингнинг ҳам ширин уйқунгни бузиб, соат 4-5, баъзан 3-4 ларда туриш керак бўлади. На илож. Ҳурмат қилиб айтилган жойга ҳурмат қилиб бориш шарт. Таклифномада «Эрталаб соат 7.00 да ош» деб ёзилган бўлса баҳай, ҳарқалай бу барча учун анча қулай вақт. Бу вақтда одамлар бемаҳал уйқудан ҳам қодишмайди. Ўз вақтида ишга ҳам бориб улгуришади. Лекин таклифномада «Соат 11.00 да ош» деб ёзилган бўлсачи? Буни қаранг энди, на эрталаб эмас, на тушки пайт эмас. Бу барча учун ноқулай, бемаврид ош беришни қайси «калла» ёки «саллали» одам қачон ва нимага асосланиб жорий қилган экан? Ахир ошга таклиф қилинган аксари одамлар ўз ишхонасида энди бажарингга киришган зарур ишини таққа тўхтатиб, узоқ йўл босиб, ошга келиши керакми? Энди ошдан чиққан одам ишхонасига етиб боргунча тушки овқат пайти бўлиб қолмайдими? Пиро-

вардида ҳар бир одам энг зарур ишларини бажариш учун ярим кушлик қимматли вақтини йўкотади-ку? Шу кетган вақтлар қўшиб чиқилса, эҳ-ҳе қанча иш куни беҳуда совурилган бўлади?

Бу ҳақда маҳалла фаоллари билан мас-лаҳатлашиб, ош бериш вақтини барчага қулай вақт (соат 7.00 ёки 13.00)га белгиланса, нур устига аъло нур бўларди.

### Ғалати одат

Ўзига тўқ, ҳамма нарса бадастир бир хонадонда тўй таралдуди. Ўғил уйланмоқда. Ҳовлию уй ичи ёғ тушса ялагудек тозаланган. Деворлар оқланиб, эшик-ромлар бўялган. Фақат икки хона ва бир ай-вондаги ўрин-кўрпаю мебеллар, палосу гиламлар, ҳагто дераза пардаларигача бошқа хоналарга олиб чиқилмоқда. Бўшатишган хоналарни кўрган, тўйдан беҳабар одам, булар бошқа жойга кўчиб кетишаёт-гандир ёки «уй кўтариш» деб ағалмиш удум бажарилаётгандир, деб уйлаши турган гап.

Йўқ, ундай эмас. Ҳеч ким ҳеч қасққа кўчмаяпти. Уй ҳам «кўтарилаётгани» йўқ. Фақат бугун бу хонадонга тушаётган келин томонидан уч-тўрт аёл

шип-шийдам қилиб бўшатишган хоналарни ясатиш учун келишмоқчи. Куёв боланинг уйини келин томон идиш-товоқ, кўрпа-тушак, чет эл мебеллари, қимматбаҳо гиламлару «элитний» дераза пардалари билан бекаму кўст жиҳозлаб беришмоқчи. Қиз узатиб «айбдор» бўлганингиздан кейин на илож, чидайсиз. Шунга мажбурсиз...

Ўйлаб қоламан. Нега энди никоҳ тўйларида мана шу ғалати удум анъанага айланиб қолган экан-а? Бу нафақат менинг, балки бошқа кўшлаб юртдошларимизнинг кўнлидан кечаётган мулоҳаза бўлса, ажабмас. Ўзга хонадонга файз киритиш, шириндан-шакар фарзандларни дунёга келтириш учун келаётган келинчак пачун энди куёв боланинг уйини жиҳозлаб бериши керак? Бўлажак уй бекасининг қайси «гуноҳи» ёки «айби» учун унинг ота-онасига қўпол қилиб айтганда «солик» солиш керак? Бағрида йигирма йил оқ ювиб, оқ тараб парваришлаган жигаргўшасини бошқа хонадонга бир умрга бериб юбораётгани камми?!

Ҳой, белида белбоғи бор алп йигит! Ҳой, куёв боланинг ҳурматли падари бузруквори, мухтарама волидаси! Файзли хонадонингизга ширин орзулари ва ибоси билан қадам ранжида қилиб келаёт-

ган гулдек келинчакни курбингиз етганча ясатган  
гушада оёклари остига пояндозлар тушаб кутиб  
олсангиз ҳам буладику! Аслида энг туғри йул ҳам  
шу эмасми?!

### Асаблар қақшамасин

Синфдош дўстим неварасини уйлантираётган  
экан, никоҳ базмига таклиф қилди. Бир кўнглим  
«Ахир никоҳ кечаси ёшларники бўлса, «қариб  
қуюлмаган чол» бунаканги тўйга боришни сенга  
ким қўйибди», деса, яна бир кўнглим «Ун йил бир  
партада ўтириб, ёшликдан бирга ўқиб, бирга ўсган  
энг яқин дўстинг сени хурмат қилиб тўйга айтсаю,  
бормасанг «мени назар-писанд қилмай тўйга кел-  
мадия?!» деган гина-кудуратга қоласан», дсйди.  
Бордим.

Ана тўю мана тўй! Келин-куёв тахтиравонда  
шаҳзода ва маликалардай одоб билан кечага файз  
киритиб ўтиришибди. Ўрғакаш йигит икки ёш  
шаънига гоҳ севги ҳақида шеърлар ўқиб, гоҳ эзгу  
тилақлар айтиб, кечани янада қизитмоқда. Бироз  
ўтгач санъаткорларга ҳам навбаг тегди. Юрагида  
ўти бор ёшлар рақсга туша бошлашди. Гумбур-

карс, гижбада-гижбанг мусика борган сари куча-  
йиб, бутун тўйхона улкан рақс майдонига айланди.  
Бизга яқин турган овоз кучайтиргичдан чиқаётган  
мусика садосининг ҳаддан ташқари баландлигидан  
атрофимдаги суҳбатдошларимнинг овози энди бут-  
кул эшитилмай қолди. Энг ёмони кулокни батанг  
килувчи суронли товушга бир қариянинг юраги дош  
бера олмай қолди. Асаблар торини қақшатаётган  
бу шовқиндан ҳеч қанча вақт ўтмай ўзимнинг ҳам  
бошим айланиб, мазам қоча бошлади. Ўрнимдан  
аста сирғалиб турдим-ла, ташқарига чиқдим. Бироз  
ўзимга келгач, дўстимдан рухсат сўраб, уйга равона  
бўлдим...

Бундай шовқин-сурон афсуски, барча никоҳ ке-  
чаларига хос. Ҳурматли санъаткорларнинг борлиги-  
га шукр. Уларсиз тўй ўтмайди. Аммо бир мулоҳаза  
шуки, санъаткорлар ушбу ҳолатга жиддий эътибор  
қарагишса, тўйлар янада файзли ўтиши, шубҳасиз.

### Бу йўллар...

Йўллар, йўллар... Бу қадим йўллар! Болалик  
чоғимизда уйимиздан 10–15 чақирим узоқда яшай-  
диган аммаю хоаларимизникига билқ-билқ тутирок

босиб ялангоёк юриб борардик. Куёш тафтида тобланган тупроқда қизиб кетган оёқларимизни йўл четидаги дарахт соясида бироз совитиб олгач яна йўлга тушардик. От аравалар, эшак аравалар, аҳён-аҳёнда «Полуторка» машиналар ўтиб турадиган йўлга олмадай-олмадай тош терилган бўларди. Бу йўл магистрал ҳисобланиб, уни «Тош йўл» деб атардик. Булар энди олтмиш-етмиш йил наридаги гаплар.

Ҳозир-чи! Эҳҳе, истиқлол туфайли қандай обод ва фаровон замонларга етиб келиб, мисли қўрилмаган бунёдкорликлар шохиди бўлиб турибмиз. Шу кунларга етиб келганимизга, шу кунларни қўраётганимизга минг бор шукр! Республикамининг барча вилоятлари, айниқса, азим пойтахтимиз Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб, янги-янги қўприклар, кенг, равон йўллар, туннеллар, ҳалка йўллар барпо эгилди. Транспорт кун сайин қўпайиб бораётганлиги боис мавжуд йўллар таъмирланиб, янада кенгайтирилмоқда. Марказий кўчаларга энг замонавий техникалар қўмагида асфальт ётқизилмоқда. Буларнинг барчаси қувонарли ҳол, албатта. Лекин шахримизнинг чеккароқ, айрим марказий кўчаларида ҳам таъмирталаб йўллар

йўқ эмас. Айникса, шаҳар ҳудудига кирувчи айрим йўллари кўриб ачишиб кетасиз. Қиш-қировли кунлардан сўнг йўллардаги уйдим-чуқурлар янада каттариб ва кенгайиб, аҳвол янада ёмонлашади. Транспорт воситаларининг техник соғлиғига зарар етказувчи бу йўлларга ҳам кимдир масъул бўлиши керакку. Ниятимиз кимнидир қоралаш эмас. Фақат тўзал шаҳримиз ҳуснига яраша йўлларимиз ҳам ра-  
вон ва чиройли бўлса қандай соз.

### Тўйми ёки аза?

Элга дастурхон ёзиб ош бериш – кўпроқ тўй-  
ғомоша, хурсандчилик, шод-хуррамлик, яхши  
кунларга хос удумдир. Бирор инсон қутлуг ёшга  
кирганда ҳам одатда ош берилади. Бу анъана  
халқимизнинг узок ўтмишига бориб тақалади. Ал-  
багга, бу жуда яхши, эзгу қадрият. Лекин вафот эт-  
ган одамга атаб элга ош бериш каби яна бир удум  
борки, бу бироз мунозарали жарасндир.

Тасаввур қилинг, бир оиланинг бошига оғир  
кун, кайғу, мусибат тушиб турибдию, аммо кат-  
та ресторанда худди тўйдагидай столларни ноз-  
иъматларга тўлдириб, улкан дошқозонда ош дам-

лаб, элга ош берилса?! Хуш, нима учун? Яқин ки-  
шисидан жудо бўлганига, ундан қутулганига хур-  
санд бўлиб ош берилянгими? Ёки бу билан одам-  
ларга мана кўриб кўйинглар, мен жигарбандимни  
кандай ҳурмат қилардим демоқчи бўлиб сохта обрў  
орттирмакчимиз? Эй, азадор биродар, агар сиз ва-  
фот этган яқинингизнинг руҳини шод этмоқчи  
бўлсангиз, унинг руҳига дуо қилинг. Марҳум учун  
энг кераги шу.

Майли, баъшарти ош бермоқчи экансиз, яқин  
қариндош-уруғларни жамулжам қилиб, маросим-  
ни ўз хонадонингизда ўтказганингиз маъқул эмас-  
ми? Катта ресторанлару қошоналардаги дабдабаю  
асъаса нимага ва кимга керак? Ахир бундай маро-  
симларнинг ихчам ўтказилиши мақсадга мувофиқ  
эмасми? Шундай қилинса, эскичасига ҳам, янгича-  
сига ҳам тўғри йўл тутган бўлмаймизми, нима де-  
дингиз?

### Сураткашларга таклиф

Уйимиздаги альбомга ёпиштирилган деярли  
барча фотосураглар асосан оқ-қора рангда олин-  
ган. Унда наъдари бузрукворимизнинг йиғитлик ва  
сўнгги, муътабар онамизнинг навқирон пайтдаги

ва кейинги суратлари, каминанинг бундан саксон йил аввал олинган, болаликдаги фотосуратлари худди кечагина расмга туширилгандек аниқ-тиник кўринишга эга. Мен бундан юз-юз эллик йил мукаддам олинган давлат арбобларига буюк ёзувчилар, олимлар, алломаларнинг оқ-қора рангда олинган суратларини ҳам кўрганман. Улар ўз даврининг фотоаппаратида сифатли фотокоғозда ниҳоятда тиник килиб оlingани учун ҳам шу чоккача ўз кўринишини тўла сақлаб қолган.

Энди, ҳозирги замонда техниканинг жадал суръатлар билан ривожланаётганлиги туфайли бугунги сураткашлар ёнасига рангли сурат олишга ўтиб кетишди. Умуман олганда, рангли суратлар ёмон эмас. Аксинча барча рангларни аниқ-тиник килиб расмга олиш жуда яхши.

Лекин айтмоқчи бўлган бошқа муҳим гап бор. У ҳам бўлса, оқ-қора тусда олинган суратларнинг умрбоқийлиги. Бундай суратлар бир неча йиллар, ҳатто асрлар оша ўз оҳорини йўқотмай, узок сақланади.

Рангли суратлар-чи? Бундайлари, гапнинг очиги, қуёш нури (умуман ёруғлик) жиддий таъсир қилиши натижасида тобора хира тортиб, пировар-

дида таниб бўлмас даражада ўчиб кетар экан. Буни хонадонимизда рамкада осиб қўйилган ва альбомдаги рангли сураатлар исботлаб турибди.

Демак, шундай экан, бугунги сурааткашлар сураатни оқ-кора рангда ҳам олишни йўлга қўйишса нур устига аъло нур буларди.





## ЁН ДАФТАРДАН

Бадий ҳикояларни ўқиш қандай қизиқарли ва мароқли. Лекин тўқилмаган, ҳаётий ҳикояларни ўқиш эса ундан-да қизиқарли ва ундан-да мароқлидир.

\* \* \*

Бирорта одамнинг «Китобишизни ўқидим» деган бир оғиз сузи адиб учун нечоғли бебаҳо муқофот эканлигини билсангиз эди...

\* \* \*

Юракнинг туб-тубигача кириб бориб, бутун вужудни сқимли жимирлатиб юборадиган куй ёки ашулани мазза қилиб эшитаётган одамни кўрганда, ўзинг ҳам худди ўша шинавандадек мазза қилиб кетаркансан, киши.

\* \* \*

Ҳар бир гапни ҳаммага гапиравермай, ўз эгасини топиб гапирган маъкул.

• • •

Агарда қадди эгилиб, букри бўлиб қолган сўрок белгиси алиқомат ундовнинг қариган чоғи бўлса, у ҳолда вергул нуқтанинг кексайиб, соқол қўйган даври бўлса керак.

• • •

Муҳаббатни ҳар ким ўзича таърифлайди. Менимча, муҳаббат ўта мураккаб, инсон зоти сўз билан ифодалаб бера олмайдиган шундай бир гуйгуки, уни фақат ўз бошидан кечирганларгина тушуна олади.

\* \* \*

Янги оғиздан бемаъни, бетамиз сўзларни эшитгандан кўра, эски оғиздан кўнгилни тоғ қилувчи пурмаъно, доно сўзларга қулоқ тутган қандай ёқимли!

• • •

Миннатли ошдан миннатсиз тош яхши.

\* \* \*

Ҳар бир кутилмаган, куккидан содир бўладиган бирор ҳодисанинг ҳам бизга мутлақо номаълум сабаби бўлади.

\* \* \*

«Бу гапни эшитиб «Сочим тикка-тикка бўлиб кетди» дейсиз. Таксир, ахир у тақир бошда бир тола ҳам тук йўқ-ку!...»

\* \* \*

Одамларга яхшилик қилиб роҳатланиш гаштини суриш қани энди барчанинг қўлидан келса...

\* \* \*

Ўзимдан эшитиб, кейин ўзимга айтиб берилган латифа мен учун энг қизиқ ва қўлили латифадир.

\* \* \*

Кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмайдиган одамни кимга ўхшатса бўлади? Уни фақат бағритошга ёки бир замбил лошга ўхшатиш мумкин.

\* \* \*

Маданият ҳожатхонадан бошлапади.

\* \* \*

Ҳар бир киши ўзи қандай одам бўлса, ўзгаларни ҳам худди шундай деб ҳисоблайди.

\* \* \*

Дилозорнинг косаси ҳеч маҳал оқармайди.

\* \* \*

Одам бир марта ёлғон ишлатиб, бир амаллаб қутулар. Лекин такрор ёлғон гапирса борми, та-мом, у инсон деган муқаддас номдан умрбод мосуво бўлди, деяверинг.

\* \* \*

Инсон ўз айбини ёки қилган хатосини рўйирост тан олиши фақат унинг обрўсинигина эмас, балки унга бўлган ишончни ҳам оширади.

\* \* \*

«Кечиринг» деган сўз дарз кетган кўнгли чегасидир.

\* \* \*

Гурур – инсон обрўсини сақлабгина қолмай, балки уни юксалтириб, кўкларга кўтариб турадиган улкан устундир. Лекин у меъёридан ошиб кетиб, кибр-хавога айланмаслиги даркор.

\* \* \*

Эру хотин ўртасидаги ўзаро муҳаббат йиллар ўтган сайин улуг туйғу – меҳрга айланар экан.

\* \* \*

Эр хотинни, хотин эрни тушунмаслиги – фожеанинг ўзгинаси-ку!

\* \* \*

Кексалардан гина қилиш ножоизлигини ўзинг кексайганда биласан.

♦ ♦ ♦

Таклиф қилинган жойга сабабсиз бормаслик ёки аксинча, таклиф қилилмаган жойга бориш инсонга бўлган ҳурматни камайтириб, обрусини тукади, холос.

\* \* \*

Эрталабдан кечгача шўринг курғур содда харидорларга сифатсиз маҳсулотини «асл мол» дея мактаб сотиб, жума куни масжидга йўл олган «намозхон»ларни кўриб, «Ё, тавба, унинг ибодати қайга кетди?» деб ёқа ушлайсан, киши.

\* \* \*

Икки кишининг дунёқараши қанчалик бири-бирига яқин ёки джарли бир хил бўлса, бундан дўстлик вужудга келади.

\* \* \*

Обру орттирини учун кўп йиллар, ҳатто бир инсон умри керак бўлади. Уни йўқотиш учун эса бир сония сарлидир.

\* \* \*

Бир этак набираларнинг буvasи ўз хонасида бироз тин олгач, ҳовлига чиқди. Қараса, ўрик тагидаги болалар аргимчоғи бўш турибди. Унга ўтириб аргимчоқ уча бошлади. «Одам қариганда ёш бола бўлиб қолади», дегани шу бўлса керак-да.



## МУНДАРИЖА

### Адабиёт ва санъат ҳақида

|                             |    |
|-----------------------------|----|
| Мағзини чакиб...            | 3  |
| Китоб – муъжизалар олами    | 3  |
| Устоз адиблар               | 4  |
| Шифобахш игна               | 6  |
| Йўқдан бор қилиб...         | 7  |
| Тасанно                     | 7  |
| Ўзини бозорга солиш         | 12 |
| Куй авжида узилмасин тор... | 13 |
| Маънавият учоғига муносабат | 14 |

### Таълим ва тарбия ҳақида

|                                |    |
|--------------------------------|----|
| Муомалада ган кўп              | 17 |
| Ҳаракатда баракат              | 17 |
| Ким аслида, ким?               | 18 |
| Уйғон, болакай!                | 19 |
| Камтарга камол                 | 20 |
| Қўлингиз дард кўрмасин...      | 21 |
| Садқаи яхшилик кетсин...       | 23 |
| Эй, одамзод!                   | 24 |
| Ён қўшни – жон қўшни, лекин... | 25 |

## **Ахлоқ ва одоб ҳақида**

|                                   |    |
|-----------------------------------|----|
| Бола бошидан .....                | 27 |
| Ваъдага вафо – марднинг иши ..... | 28 |
| Бемаврид кунғироқ .....           | 29 |
| «Сен» ва «Сиз» .....              | 30 |
| Фотихасини ўқимай десапгиз... ..  | 32 |
| Ёлғон гапирганмисиз? .....        | 33 |
| Масхарабоз .....                  | 35 |
| Қайтинг уйга! .....               | 36 |
| Катта ҳаёт оstonасида .....       | 37 |
| Ноқулай ҳолат .....               | 38 |
| Меҳр кўзда .....                  | 38 |
| Ой, инсон! .....                  | 39 |

## **Урф-одат ҳақида**

|                                  |    |
|----------------------------------|----|
| Одам неча марта туғилади?! ..... | 41 |
| Ош мени еди... ..                | 42 |
| Бемаврид ош .....                | 42 |
| Ғалати одат .....                | 44 |
| Асаблар қақшамасин .....         | 46 |
| Бу йўллар... ..                  | 47 |
| Тўйми ски аза? .....             | 49 |
| Сураткашларга таклиф .....       | 50 |
| Ён дафтардан .....               | 53 |

Адабий-бадий нашр

*Жаҳонгир Нирмуҳамедов*

## ОДАМ НЕЧА МАРТА ТУҒИЛАДИ

(Кунгил битиклари)

Мухаррир *Ж. Матёкубов*

Рассом-дизайнер *Д. Мулла-Ахунов*

Техник муҳаррир *Б. Каримов*

Кичик муҳаррирлар: *Д. Холматова, Г. Ералиева*

Мусахҳих *Д. Ҳусанова*

Компьютерда гайсрловчи *Л. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси АЛ № 158, 14.08.2009.

Босишга 2016 йил 5 июлда рухсат этилди.

Офсет қоғози. Бичими 60x90<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. «Times»

гарнитурасида офсет усулида босилди.

Шартли босма табоғи 2,0. Нашр табоғи 1,96.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 16-447.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100011, Тошкент, Павлов кўчаси, 30.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

2875c

**Пирмуҳамсдов, Жаҳонгир**

П 46      Одам неча марта туғилади [Матн]/Ж. Пир-  
муҳамсдов: – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ,  
2016. 64 б.

ISBN 978-9943-28-698-6

УУК 821.512.133-32

КБК 84(5У)7